



# ЖОШЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 октябрь, чоршанба, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда. № 200 (948)

## ЎЗБЕКИСТОН САЛОҲИЯТИГА ИШОНЧ

Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, амалга оширилаётган ислохот, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, диёримизда тинчлик ва оқойишлик ҳукм сураётгани, Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати дунё миқёсда қўллаб-қувватланаётгани боис мустақил жумҳуриятимизнинг кўп қабатли давлат ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётир.

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг халқаро миқёсда қандай нуфузга эга экани дунё жамоатчилигида яхши маълум. 40-йиллардан бери Жаҳон банки томонидан ривожланаётган мамлакатларга ердан тарихида 210 миллиард доллар ажратилгани еки ана шундай давлатлар иқтисодиятини кўтариш учун Халқаро валюта жамғармаси кўрсатган ва кўрсатаётган қўлдан кўн моддий кўмакларнинг ўзи бор ҳақиқатни айтиб турибди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қанча халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жумладан, республикамизнинг Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик алоқалари янада мустақамланмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг бирор давлатдан қарздор эмаслиги, республика раҳбариятининг иқтисодий ва

молиявий сиёсат соҳасида аниқ режаларга асосланиб пухта иш юритаётгани, шубҳасиз, катта аҳамият касб этмоқда. Ана шу маънода Халқаро валюта жамғармаси республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистонга 140 миллион доллар кредит ажратаётгани ҳам бежиз эмас.

Илгари хабар қилингандек, 4-6 октябрь кунлари Мадрид шаҳрида Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг йиллик йиғилиши бўлди. Унда жаҳоннинг 178 мамлакатда 10 миңдан зиёд вакиллар иштирок этди. Анжуман "Бреттон Вудс 50 йил кейин: Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки истисқоболда" шiori остида ўтди.

Йиғилишда Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Мишель Камдессю сўнги пайтларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиятини

юксалтириш борасида жамғарманинг роли сезиларли даражада ортиб бораётгани ҳақида батафсил тўхтали. Жаҳон банки президенти жаноб Л. Престон журналистлар билан суҳбат чоғида ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот фаолиятида янада катта ютуқлар қўлга киритилишига асло шубҳа қилмаслигини алоҳида таъкидлади.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ушбу халқаро анжуманда республикамиз делегацияси аъзоларининг иштироки муваффақиятли бўлди. Делегация раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов анжуманинг асосий мажлисида Мадридда ўтган халқаро анжуман Ўзбекистонга бўлган хурмат-этибор яхшилиги, республикамиз ҳукумати, Президент Ислам Каримов олиб бораётган сиёсат, хусусан, тараққиятини ўзинимизга хос бўлган беш тамойили тўғри эканини яна бир бор исботлади. — деди Б. Ҳамидов. — Бугун Мадрид анжуманида ривожланаётган давлат сифатида қатнашдик, ҳадемай ривожланган давлатлар қаторида мўътабар анжуманларда

иштирок этишимизга бўлган ишонч яна бир бор мустаҳкамланди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласига бағишланган конференцияда Ўзбекистон вакилига биринчи бўлиб сўз берилди. Биринчи деган сўзи алоҳида таъкидланганимизнинг боиси бор. Бу республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида яратилган имкониятларга юқсак баҳо берилганлигидалат. Дуненинг 75 мамлакатидан вакиллар иштирок этган ушбу мажлисда конференция ташкилотчилари баъзи мамлакатлар вакиллари "сизлар Ўзбекистонга бориб улардан ўранингилар, республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни кўриб гувоҳ бўлингилар" дейишди. Бу ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатга берилган юқсак баҳодир. Анжуман кунлари Жаҳон банкининг унчици департаменти директори Р. Чингэм билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Жаҳон Р. Чингэм журналистларга Жаҳон банки ва Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда Россия Федерацияси ўртасида

ўрнатилган алоқалар ҳақида сўзлаб, банк мазкур мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ниятида эканини алоҳида таъкидлади. Суҳбат чоғида у ЎзА мухбирининг саволларига жавоб бериб, жумладан шундай деди: "Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш учун республикага қатор кредитлар беришни мўлжаллаётимиз. Бундан ташқари Ўзбекистонда бошланган қишлоқ хўжалиги ислохотини, хусусан, пахтачилик индустриясини ривожлантириш лойиҳалари устида республика ҳукумати билан фаол музокаралар олиб бормоқдамиз".

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга муайян кредит ажратилиши, муҳтожа ердан қўлни чўзиш эмас, балки республикадаги ижобий жараёнлари янада ривожлантиришга ҳисса қўиши мақсадида қўйилаётган ҳолис қадамдир. Қолаверса, Ўзбекистоннинг иқтисодий-салоҳиятига бўлган ишонч белгисидир. Анжуман давомида ана шу — Ўзбекистонга ишончли ҳақкор сифатидаги муносабат руҳи ҳукмрон бўлди.

Шухрат УМИРОВ,  
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент — Мадрид — Тошкент.

## • Биз ва жаҳон

### МИНГ ОРОЛ МАМЛАКАТИ

Аҳоли нуфуси бўйича дунёда тўртинчи ўринда турадиган мамлакат қайси? 17 миң оролдан ташкил топган мамлакат-чи? Билмасангиз, билиб қўйинг — бу Жаууби-Шаркий Осиёдаги йирик давлатлардан бири бўлган Индонезиядир. Кейинги йилларда у тез суръатлар билан ривожланиб борапти. Ўзбекистон—Индонезия муносабатлари ҳам кундан кунга кенгаймоқда. ЎзА мухбири Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фанкуллада ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил билан ана шу ҳақда суҳбатладик.



— Жаҳон элчи, аввало, Индонезия ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз. — Индонезия Тинч ва Ҳинд океанлари туташган жойда, жаҳон савдо йўлининг энг марказида жойлашган. Экватор бўйлаб 5 миң километрдан ортиқроққа қўзилган ороллarning 6 миңгасида аҳоли яшайди. 300 дан ортиқ миллат ва эллар бор. Улар турли лаҳжа ва шеваарда гапирадилар. Аммо барчасини ягона индонез тили бириктириб туради. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 185 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг 90 фоиздан ортиги испом динига эътиқод қилади. Аммо будда, масийиш ва бошқа динлар вакиллари ҳам бор. Эътиқод эркинлиги асосий қонунимизда белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз тарихи ҳақида гапирадиган бўлсак, у 350 йил давомида Голландия мустақимаси бўлганини айтиб ўтиш лозим. Ана шу давр мобайнида ҳалқимиз бир неча бор ўз эркин учун курашга атланди. Аммо бу исёнлар ҳамма вақтда босқинчилик билан қўйиб кетилди. Фақатгина Иккинчи жаҳон урушидан кейин, 1945 йилнинг 17 августида мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Яқинда истиқлолнинг 49 йиллиги ташанили нишонланди. Президент Суҳрат бошчилигида амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Халқнинг турмуш даражаси юқсалиб борапти, миллий даромадимиз ортмоқда. Бунга давлат ва хусусий мулк шаклларида баравар фойдаланилаётгани, чет эл сармоясини жалб этишга катта эътибор берилаётгани, ички тартиб-интизом туфайли эришилмоқда. Утган йил мартда Суҳрато жаҳонбари янги мудоатта президент этиб сайланди.

Индонезиянинг қўшимчаласи ҳаракатидаги фаол иштироки, ирчилик ва апартегда қарши кураш маъжуд минтақавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, барча мамлакатлар ўртасида эркин, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўиш сиёсати юқорк бақолашмоқда. — Тошкентда иш бошлаганимизга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини қандай баҳолайсиз? — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги дaври 1992 йил июни ойидан бошланди. Президент Ислам

Каримов Индонезияга ташриф буюриб, ҳалқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиди, иқтисодий ютуқларимизни ўз кўзи билан кўрди. Сафар чоғида имзоланган дипломатик муносабатлар ўрнатилган ҳақидаги битим ўзаро алоқаларни ривожлантиришда катта имкониятлар очди. Мен шу йил июль ойида Ўзбекистонда элчилик фаолиятимни бошладим. Аввало шуни айтиб ўтишим керакки, мамлакатимиз раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта аҳамият бермоқда. Минтақадagi энг йирик элчиҳоналардан бири Тошкентда очилгани ҳам фикримизнинг дaвиладир. Бу албатта бежиз эмас, Ўзбекистон ўзининг Марказий Осиёдаги мақоми, иқтисодий имкониятлари билан кўпгина давлатлар ривожланишига эътиборини жалб этмоқда.

Менинг асосий вазифам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик соҳаларини аниқлаш, халқларимизни ўзаро кенгрок таништиришдан иборат. Шундан маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожланиши учта журналистни тақлиф этдик. Улар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлишди. Бундан мақсад Индонезия ҳалқига Ўзбекистон ҳақида кенгрок маълумот беришдир. Шундан кейин бир гуруҳ тадбиркорларни тақлиф этдик. Улар Самарқандда бўлиб, чой қадоклаш бўйича қўшма корхона барпо этиш юзасидан музокаралар олиб бордилар. Индонезия чой етиштириш бўйича жаҳонда етаци ўринлардан бирини эгаллаш маълум. Биз эса Ўзбекистондан пахта ва бошқа маҳсулотларни харид қилганмиз.

Мен ақинда Самарқанд ва Фарғона вилояти ҳокимлари билан учрашдим. Учрашувда ўзаро кенгрок танишдик. Улар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлишди. Бундан мақсад Индонезия ҳалқига Ўзбекистон ҳақида кенгрок маълумот беришдир. Шундан кейин бир гуруҳ тадбиркорларни тақлиф этдик. Улар Самарқандда бўлиб, чой қадоклаш бўйича қўшма корхона барпо этиш юзасидан музокаралар олиб бордилар. Индонезия чой етиштириш бўйича жаҳонда етаци ўринлардан бирини эгаллаш маълум. Биз эса Ўзбекистондан пахта ва бошқа маҳсулотларни харид қилганмиз.

Н. МУҲАММАДИЕВ,  
(ЎзА).

## КИМОШДИ САВДОСИ

Пойтахтдаги "Неврўз" савдо-ишлаб чиқариш комплексида 10 октябрь кун Муҳаммад Тарагай Улуғбекиннинг 600 йиллик юбилейи шарафига зарб этилган юбилей танга ва медалларнинг кимошди савдоси бўлиб ўтди. Савдон Республика Марказий банки, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Давлат телерадио компанияси ўтказди. Савдога олтин суви югуртирилган 30 танга ҳамда 35 медал қўйилди ва ҳаммаси сотилди. Мамлакатимизда иккинчи маротаба ўтказилган бундай тадбирда иштирок этган юртдошларимиз ҳамда хорижий давлатлар фуқаролари танга ва медалларни турли нархда эркин муомаладаги валютада харид қилдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ "ЎЗБЕКСАВДО" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИНИНГ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада савдо ва умумий овқатланиш иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда, уларни замонавий савдо техникаси билан жиҳозлашда ва тармоқдаги объектларни муддатидан илгари ишга туширишда хўрсатан фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилиши:

- "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ" — САИДАҲМЕДОВ Рихсioв — Санoат қурилиш-монтаж бирлашмасининг буюкчеси
- ЯКОВЛЕВ Борис Владимирович — "Тошкентсавдо" концернига қарашли 1-сон хўжалик ҳисобидagi таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг бошлиғи
- "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРХИТЕКТОР" — ЯКУБОВ Ренат Абдулганиевич — Тошкент шаҳри, 1994 йил 11 октябрь.
- "Тироторг" лойиҳалаштириш институтининг бош муҳандиси
- ВА КУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:
- АТАХАНОВ Григорий Айнетдинович — "Ўзсавдоускуналар" комбинатининг дурадгори
- ГОРОХОВ Сергей Владимирович — "Ўзсавдотехникамонтаж" жамоа корхонасининг электргазлайвандловчиси
- ЗАРИПОВ Абдуқамол Галилович — Хўжалик ҳисобидagi 1-сон таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг электрпайвандловчиси
- ИСРОИЛОВ Тўлқин Исмоилович — Республика "Савдо тараққияти" акционерлик бирлашмасининг райси
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ



ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА  
Номoз ХОННАЗАРОВ, Уроз БЕГМАТОВ, Қашқадарё вилояти, Чирочқчи тумани, "Коммуна" жамоа хўжалиғи, Районобод қишлоғи:  
— 1990 йили хўжалиғимизда табиий газ қувурлари ўтказиш бошланган эди. Даставвал у шундаг билан давом этди. Кейин таққа тўхтади-қолди. Мана, уч йилдирки, унинг битишидан дарак йўқ.

ЛОЙГА БОТИБ БОРИШАДИМИ?  
Шарoф СИДИҚҲУЖАЕВ, Тошкент, шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Парвариш кўчаси, 3-тор кўча, 24-уй:  
Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Хонадонларимизга каналзация ўтказилганда жуда қувондик. Лекин каналзация ишлари тугаган, кўчаларимиз асфальтланмай қолиб кетди. Мана егин-сочинли кунлар яқинлашапти. Егиннамизда 219-мактаб бор. Нима, ўқувчилар мактабга лойга ботиб боришадими?

БЕЛБОҒГА ЁЛЧИМАС БЎЗЧИЛАР  
Холқўжа ЮНУСОВ, Ангрен шаҳри:  
— Шаҳримизнинг Грoл маҳалласида бундан 25-30 йил муқаддам эски услубдаги мактаб қурилган. Ўқувчилар сони кескин ошган, у торлик қилиб қолди. Устига-устак қишда яхши истиямайди. Бўлмасам, егиннамизда Ангрен ГРЭСи мавжуд. Бўзчи белбоққа алчимас, деб шунини айтсалар керак-да.

"МЕХРЖОН"ДА ҚИШКИ ЧОЙХОНА ҚУРИЛСА  
Мамат АБДУВАЛИЕВ, республикада хизмат кўрсатган қурувчи, Қиғрай тумани:  
— Пойтахтимиздаги "Мехржон" истроҳат боғи болаларининггина эмас, қарияларнинг ҳам севишли масканидир. Ҳар кунини биз ишлари тугаган, бoғдаги чойхонада бир пиела чой устида гурунлашамиз, кўнгил чигалларимиз езилиб, шахмат-шашка ўйнаймиз. Энди буюғи куз. Биз фахрийлар ташвишдамиз. Негаки, бу ерда қишки чойхона йўқ. Агар "Мехржон"да бирор саховатпеша ташкилот қишки чойхона қурилишига ҳoймилик қилса улўғ иш бўларди.

ХИРМОНДА ҲОЗИРЛАР  
Соҳиб ЖўРАЕВ, Наманган шаҳрида яшовчи нафақахўр:  
— Бизнинг Наманган бозорларидаги аҳолини кўриб ека ушлайсиз. Агар деҳқон бир машина қовун еки тарвуз олиб келса, ҳар кунини 200 сўмдан зиёд турли "солиқлар" тўлашга мажбур. Бозорқўмининг ҳамтоволлари эса бундай "солиқлар"дан озод. Шу боис ҳам бозорларда қовун-тарвузнинг баҳоси юқорин. Деҳқонлар эса келтирган маҳсулотларини олиб-сотарларга улгуржи берншга мажбур бўлишати.

"Халқ сўзи" мухбирлари Л. КўЧҚОРОВА, М. ХОЛМАТОВА есиб олдилар.



Қоғозобод туманидаги "Улуғзор" ширкатлар уюшмаси пахтакорлари бу йил ҳосилини 80 фоизини машиналар билан териб олишмоқчи.  
СУРАТДА: пахта механизатор Бойжирза Эргашев. У ҳар кунини терим машинасида хирмонга 6-7 тоннадан пахта тўймоқда.  
Т. ГАФУРОВ олган сурат.

## • "Оқ олтин" — 94 ХОРАЗМДА БИРИНЧИ

Хонқа тумани пахтакорлари давлатга пахта тошириш режасини вилоятда биринчи бўлиб уддаладилар. Нав ташлашда тўғри йўл тутилгани, эрта экиш, ҳосилни эрта етиштириш ва барвақт йиғиштириб олиш, меҳнатта ҳақ тўлаш тадбирлари намунали уюштирилгани бу ютуқнинг асосий омилли бўлди. Хонқалик пахтакорлар шу кунгача давлат оморларига 32,5 миң тоннадан зиёд "оқ олтин" тоширдилар. Мавжуд 11,3 миң гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Режани 110 фоизга етказган "Галаба", "Янги ҳаёт", "Хоразм", "Олтин соҳил", А. Навоий номли жамоа хўжалиқларида ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 31-34 центнерни ташкил этди. — Одамлар қалбида ерга хўжайинлик ҳисси, янги иқтисодий омилларга чуқур қизиқиш ва манфаатдорлик тўғйулари кучайиб бормоқда, — дейди туман ҳокими Анатолий Ортиқов. — Пахтакорларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ 40 миллион сўмга яқин даромад қилдилар. Терим охиригача яши сармоғини 64 миллион сўмга етказамиз. Бунинг учун режага қўшимча сотилдиган 10 миң тонна пахта дошларимизда бисер турибди. Барча ҳосилни октябрь ойидаёқ нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун куч-қувватимиз етарли. Ҳoқимнинг ишонч билан таъкидлашича, деҳқончилик саноати мажмуининг бошқа тармоқларидаги ишлар ҳам чакки эмас. Туманда бу йил эрта ва мўл етилгани мўмай даромаддан дарак бериб турибди. Ислохотлар боис туманда гўшт, сут, тухум қаби ва бошқа ҳаётий муҳим неъматлар ҳам ўтган йиллардагидан анча кўп етиштирилмоқда.  
С. АБДУЛЛАЕВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.



• Чорва қишлоғига тайёриликми?

Қиш фасли чорвадорлар учун синов палласи. У чўпон-чўликлар, молбоқар ва мутахассислар бардошино миришкорлигини имтиҳондан ўтказишди.

Чирокчи тумани чорвадорлари бир неча йилдан буён қишлоқ ҳозирлигини уюшқоқлик билан ташкил этаётганликлари учун маҳсулот етиштиришда яхши натижаларга эришгандирлар. Улар бу йил қишлоғига ҳозирликни эрта баҳордаёқ бошлаб юборган эдилар. Туман чорвадорлари чорвачиликнинг озуқа захирасини мустаҳкамлашга эътибор бердилар. Натияжада, маҳсулот етиштириш кўпайди. Тўқиз ой мобайнида 1200 тоннадан ортиқ гўшт, 4500 тонна сўт, 8 миллион дондан ортиқ тухум меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилди.

“Қалқам”, “Наврўз” жамоа ширкат ҳўжаликдари чорвадорлари гайрат кўрсатишди. Қашқадарё вилоятининг Китоб, Касби, Муборак туманларида ҳам

далаларидан маккажўхорининг ҳар гектаридан 200 центнердан ошдириб кўкпоя олинган ҳолда Усмон Юсупов туманида 646 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 58 центнердан кўкпоя олинган. Туманда 15 миңг 447 тонна дағал хашак, 7 миңг 194 тонна сенаж, 3177

ширкат ҳўжалиғида эса чорвадорлар учун қариб 6 миңг тонна озуқа зарур бўлгани ҳолда энди 1350 тонна дағал хашак тўпланди. Деҳқонobod туманининг бошқа ҳўжаликлариди ҳам аҳвол яхши мас. Тумандиғи 48 та ферманинғ 42 таси хусусийлаштирилган эди. Бундан

Кенгашининг ўн иккинчи чакirik ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқиди “Қишлоқда ўтказилаётган ислохотларни охириғача етказиш йўлида тўсиқ-гов бўлиб турган расмиячилик, лоқайдлик, ўтакетган бепарволик, боқимданалик ва порахўрлик каби иллатларға қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди”, — деб уқтириб ўтди. Президентимизнинг ушбу сўзлари ҳозирғи пайтда чорвачиликдағи иллатлар ҳақиди ҳам айтилганлиғини англашмиз керак. Акс ҳолда 2-3 йилдан сўнғ ҳозир чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисмини бериб турган, бир неча йиллар муқаддам катта саъй ҳаракат эвазига Белорусия ва Қримдан келтирилган молларнинғ бир қисмини қўлдан бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Айрим ҳиссадорлик жамяятларида штатларни қисқартиришға берилиб кетиб, ҳатто зоотехник ҳам ортиқча дейдиганлар топилиб қолди. Йирик фермада зоотехник фаолият кўрсатмаса чорва моллари зотини ахшиллаш, урчишти, кўпайтириш билан қим шугулланиди? Бунй ўйлаб қўриш керак.

Чорвачилик маҳсулотлари — гўшт, сўт, тухум, қоракўл тери ва жунини кўпайтириш юртимиз фаровонлиғининг муҳим шартидир. Бунинг учун қишлоқни тўқ ва иссиқ ўтказиш, чиқимға йўл қўймаслик муҳим аҳамиятға эға. Демак ҳозирғи ганимат дамлардан унумли фойдаланиб киш-кирволи кўнларни ҳар томонлама тайёрғарлик билан кутиб олиш чорвадорнинғ муҳим вазифасидир.

Пўлат ГАДОЕВ, “Халқ сўзи” муҳбири.



Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани “Кўкер” жамоа ҳўжалиғида бу йил 750 гектар майдонда бог барпо этилди. Жамоа аъзолари 150 гектарда картошка, 100 гектарда уруғлик картошка, 150 гектар майдонда эса дон экинларни парваришладилар. Мана сарҳисоб қилиш вақти келди. Ҳўжаликда деҳқончиликдан мўл ҳосил олинди.

Жўрамирза Раҳматуллаев бошлиқ бу жамоада тадбиркорликка ҳам кенг ўрин бериляпти. Кейинги бир икки йил ичюда бу ерда шарбат қуйиш шеҳи, тилам шеҳи ва асфальт цехлари ташкил этилди.

СўРАТЛАРДА: тажрибали богдон Жўрабой Маҳмудов; бригада бошлиғи М. Ғононов ва жамоа ҳўжалиғи раиси Ж. Раҳматуллаевлар. Т. МАҲҚАМОВ олган сўрат.



• Бу ҳақда Олий Кенгашининг XVI сессиясида гапирилган эди

# ЕМ-ХАШАК МЎЛЛИГИ, МАҲСУЛОТ СЕРОБЛИГИ

- Ислохот чинакамига амалга оширин.
- Усмон Юсупов, Деҳқонobod туманларида сўтқашликка йўл қўйилмоқда.
- Хиссадорлик жамяятлариға неға зоотехник керак бўлмай қолди?
- Зотдор молларнинғ ўрчини қардан тўлдирамиз?

қишлоғига ҳар томонлама тайёрғарлик кўрилмоқда. Шу кунғача ушбу туманларнинғ чорвадорлари ҳар бир шартли мол ҳисобига 14-16 озуқа бирлиғи миқдориди ем-хашак жамғардилар. Бу туманларда жамоа-ширкат ҳўжаликлари билан хусусийлаштирилган ҳиссадорлик жамяятлари, фермер ҳўжаликлари ўртасидиғи ҳамкорлик қишлоғига тайёрғарликнинғ пухта амалға оширини таъминляпти, чорва маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда.

Усмон Юсупов тумани хиссадорлик жамяятлари, пудратчи чорвадорлар ҳаёти билан танишганимизда, бу-тунлай ўзгача манзараға дуч келдик. Туманда 5,5 миңг қорамол, 49,2 миңг қўй-эчки боқилади. Бу ерда мавжуд 3 миңг 656 гектар бедзорнинғ ҳар гектаридан 66 центнерданға пичан олинганлиғини одатий ҳол, деб бўлмайди. Қўшни Касби тумани

тонна силос тайёрланиб, ем-хашак тайёрлаш режаси 64 фойзаға урдаланган ҳолос.

Деҳқонobod туманидағи Рўзобой Эҳмирзаев раислик қилаётган “Қизилча” жамоа ширкат ҳўжалиғи йилловларида жамоанинғ 23 миңг бошдан ортиқ қўй ва эчкиси боқилади. Бу йил ҳўжаликда галла, табиий хашак мўл бўлди. Лекин, эътиборсизлик туфайли сомон ва табиий хашакнинғ катта қисми талон-тарож этиб юборилди. Натияжада бор-йўғи 2 миңг тонна миқдориди дағал хашак гамланди. Бу ўтган йилнинғ шу давридигиға нисбатан 600 тоннаға камдир.

Тумандағи “Белибойли” жамоа-

ташқари 22 та қоракўлчилик фермаси бор. Буларда 9 миңг 814 бош қорамол, 187,3 миңг қўй-эчки боқилади. Қишлоқ жойларига 32 миңг 44 тонна дағал хашак тўпланди, ҳолос.

Тумандағи хиссадорлик жамяятларининг 25 тасиди қишлоғига тайёрғарлик ишлари ниҳоясига етказилганлиғи ҳақиди вилоятта маълумот берилганди. Текширишлар давомиди “тайёр” деб маълумотга тиркалган қишлоқ жойларининг 9 тасиди камчиликлар борлиғи қайд тилди. Қўйчилик фермаларининг бор-йўғи 16 таси қишлоғига тайёр. Қоракўл ва хисори қўйлар боқилаётган 305 отарнинғ 200 тасидиғина қишлоқ жойлари таъмирляниб, тартибға келтирилди. Қолган 105 сўрув учун эса иссиқ қўтонлар ҳозирланмаган, чўпонлар учун турар жойлар таъмирлянган эмас.

Юртбошимиз Республика Олий

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлашнинг ўсиб бориши иккиламчи ашёлар умумий миқдорининг кўпайишига олиб келди. Биздағи ва хориждағи ишлаб чиқариш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай ашёларнинғ кўпгина турларини санаотда қайта ишлашнинг техник томондан мумкин ва уқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Фақат биргина Олмалик киме комбинатида қиққан санаот чинқидиси — фосфогипс 30 млн. тоннани ташкил этиб, 145 гектарға яқин унумдор ер эгаллаб өтди. Энергетика тизими эса техноген, яъни қул ва шлак — иккиламчи ашёларнинғ асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинғ уюлиб қолган миқдори бир неча 100 млн. тоннаға тенг.

Ўзбекистонда ҳозирғи вақтда санаот ва қишлоқ ҳўжалик иккиламчи ресурсларнинғ ишлашғида ўзимиздағи ва хориждағи тажрибадан кам фойдаланиляпти. Натияжада бирламчи хомаше ва материаллар ўрниға ишлатиладиған чиқиндиларнинғ аҳамияти сезилмаётир. Сабаби — улардан фойдаланишнинг тизими яратилмаган.

Фикримизда, барча турдағи қурилиш материаллари ишлаб чиқаришға яроқли иккиламчи ресурсларни тўлиқ ҳисобға олиш, рақамлаш ва уларни бир тизимға келтириш зарур. Бундай ресурслардан ўйламасдан фойдаланиш экологик мутаносиблиқнинғ бузилишиға олиб келди.

Агар қурилиш индустрияси учун зарур бўлган материаллар қўламаи ва турларини таҳлил қиладиған булсақ, қуйидағи ҳолатлар кўзға ташланади: цемент ишлаб чиқариш яхши йўлга

фақат полимерлар асосиди олинади. Тошкент металл конструкциялари заводидағи “Хешт” фирмасининг (Германия) пенополиуретан — иссиқликдан муҳофаза қилувчи материаллар ишлаб чиқаратганлиғи диққатға сазовордир. Ҳозирча бундай материаллар уйсозлик ва ер ости коммуникацияларни муҳофаза-лашда ишлатилапти. Шунингдек, ундан қўшлаб безак турларини ҳам тайёрлаш мумкин. Бу соҳани ривожлантиришда Мингбулоқ ва бошқа нефть конларининг очилиши катта ердан беради. Чунки бу ердан

дули созурилмоқда. Фақат киме ва минерал ўғит ишлаб чиқариш соҳасиди миллионлаб куб метр бетон ва металллар коррозиядан зарарланади. Оқибатда улар мўлжалланган давргача хизмат қилмайди. Шундай экан, химиявий ва биологик муҳитларға чидамли материал ва конструкцияларни яратиш муҳим вазифалардан бири бўлмоғи керак.

Яна бир муаммо. Қурилиш материалшunosлиғида муҳим жабҳалардан бири энергияни тежаш технологиясидир. Бу соҳада ган қўп-у, иш оз. Айниқса, минерал боғловчилар (цемент, оҳақ), гишт ишлаб чиқариш, бетон ва темир бетон конструкцияларни юқори иссиқлик босими билан қайта ишлаш катта миқдордағи энергияни талаб этади. Шу боис мавжуд технологияларни тақомиллаштириш, янгиларни яратиш долзарб масаладир. Бу муаммони ҳал қилишнинг яғона йўли — қуеш энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Республикаимизда полимер боғловчилар асосиди зич ва ўта енгил композицион материаллар, кимёвий ва биологик агрессив муҳитларға чидамли бўюмлар ва конструкциялар яратиш борасиди талайгина ишлар қилиналяпти. Полимер боғловчи ва чиқинди фосфогипс асосиди янғи полимер қўшимчалар синовдан ўтказилди ва қурилишға кенг жорий этилди. Бу борада ишлар янада кенгрок ва чуқуррок давом э-тирилмоғи лозим.

Н. САМИГОВ, техника фанлари доктори, профессор.

## КЎЗ ИЛГАМАС БОЙЛИК

Россиядан келтириляётган ёғочнинғ қимматлиғи ўзимизда шу соҳани имкон қадар ривожлантиришни тақозо қилади. Бу масалани ҳал этишда прессланган ашёларни ишлаб чиқариш яхши натижаларға олиб келиши мумкин. Бунда гўзапоя, каноп, шоти чиқиндилари жуда қўл келади. Шунингдек, қурилиш индустриясини мустаҳкамлашда қўшлаб металл ва нометалл материалларни полимер композициялари асосиди барпо этиш йўларини ҳам қидириб қўриш зарур.

Маълумки, ўртача зичлиғи 40-100 кг/м<sup>3</sup> бўлган ўта енгил бетонлар

**Ташкилот**

ҳар хил турдағи ва қувватдағи асинхрон электродвигателларни ҳамда турли электродвигателлар учун статорларни (бозор нархидан 50 фойз арзон) тақриф қилади.

Мурожаат учун телефонлар:  
54-87-08, 54-86-32, 54-86-12.

Акционерлик жамяятлари, инвестиция фондлари, тижорат банклари, барча шаклдағи хусусий корхоналар ва ташкилотлар

**ДИҚҚАТИГА!**

**ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ КОМБИНАТИДА**

Акциялар, сертификатлар, чек дафттарчалари, лотерея билетлари ва бошқа қимматбаҳо ҳўжжатлар юқори даражада муҳофазаланган қоғозларда тайёрланади

шунингдек

каучук ва металл муҳрлар ва тўртбурчак муҳрлар, турли хил ҳўжжатлар, бланкалар ва номерланган товар-транспорт юкхатлари ҳам бизда тайёрланади

**БУЮРТМАЛАР ҚИСҚА МУДДАТДА, АРЗОН ВАҲОДА, ЮҚОРИ СИФАТЛИ БАЖАРИЛАДИ**

Манзил: 700129, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 30.  
Телефонлар: 44-37-92, 44-38-93, 44-34-01.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун “Халқ сўзи” газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

“ХАЛҚ СЎЗИ”НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси — 276 сўм

олти ойға — 138 сўм

уч ойға — 69 сўм

бир ойға — 23 сўм

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

бир йилға — 624 сўм

олти ойға — 312 сўм

уч ойға — 156 сўм

бир ойға — 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ХАЛҚ СЎЗИ”ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Ўзингиз учун **SONY** дунёсини кашф этишни истайсизми?

Унда телевизорлар, видеомагнитофонлар, видеокамералар, музқий марказлар, магнитофонлар, аудио ва видеокассеталар

сотиладиған **“SONY”** магазиниға ТАШРИФ БЎЮРИНИ

Манзил: Тошкент, Ғононов кўчаси 20  
Телефон: 191-12-76, 98-28, 76-77-27



Долзарб мавзу

ШОЛГА ҚАРШИ ҚАЛҚОН

«Жамгармаси» «Соғлом авлод учун» жамгармаси таъкид этилгандан бери давлат миқёсида катта режалар тузилиб, амалга оширилмоқда.

Эмлаш воситасида олдини олиш мумкин бўлган касалликлардан бири шол (полиомелит) касаллиги ҳисобланади.

Шол касаллигига қарши эмлаш республикамизда бошланганга 30 йилдан ортқ вақт ўтди. Эмлаш туфайли бу касаллик онда-сонда учрайдиган ҳолга келиб қолган эди.

Бундай тадбирнинг ўтказишда шифокорлар, ҳокимликлар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, давлат ва жамоа ҳўжаликлари ердмига муҳтождир.

Қишлоқда ислоҳат қандай борапти?

Тойлоқ Самарқанд вилоятининг энг кенжа тумани ҳисобланади. Унинг ташкил этилганга уч ярим йил бўлди.

Лекин орадан ўтган вақт Тойлоқ тумани ҳудуди бирлик сифатида тўғри ташкил этилганлигини кўрсатди.

Бир пайтлар ҳозирги туман ҳудудида асосан мева ва сабзавот етиштирилди. Соҳа бўйича режалар доимо бажарилиса, аммо олинадиган фойда деярли кўза ташланмасди.

Бугун-чи? Туман киефаси тубдан ўзгарапти, унинг иқтисодий қуввати йилдан йилга ошапти.

Ҳозир Тойлоқда юзга яқин кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Албатта, бу ютуқларда одамларни асосан шу ишларга руҳлантира олган туман раҳбарияти хизматини айтмаслик мумкин эмас.

Аслида бугунгача қилинган ишлар натижасида қурилиш ҳажми ортди.

еллусида биз амалга оширишимиз лозим бўлган улкан режаларнинг дебосчаси, — дейди туман ҳокими А. Искандаров.

ТОЙЛОҚЛИК ТАДБИРКОРЛАР

қурилишлар сони йилдан-йилга кўпайиб кетди. Масалан, яқинда туманда озиқ-овқат комбинатининг фойдаланишга топширилиши мўҳим воқеага айlandи.

Ҳозир туманда юзга яқин кичик корхона бор. Лекин бизнинг шарафат учун бу кам. Бир пайтлар туманда шакар заводи, сутни қайта ишлаш комбинати қуриш масаласи кўтарилган эди.

Ҳоким тўғри айтиди. Ҳали бу ерда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имкониятлари кўп. Чунки Тойлоқнинг ери унумдор, сув муаммоси йўқ.

Ҳоким тўғри айтиди. Ҳали бу ерда иқтисодий ислоҳотларни янада

центргега ошди. Шу сабабли бу ерда деҳқончиликда юқори кўрсаткичга эришадиган кишилар манфаатдорлигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилди.

Туманининг ўн уч минг гектар сугориладиган ери бор. Аммо туман ҳокимияти ердан фойдаланиш самараси ҳали етарли эмас, деб билимоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар тақдирини биринчи навбатда одамларимиздаги маънавий баркамоллик ҳал қилади, — дейди туман ҳокими А. Искандаров.

Чунки кишиларимиз онгда кескин ўзгариш асосий таъбир, ислоҳотларни тула амалга оширолмаймиз. Шу боис туман ҳокимлиги қадриятларимизни юксалтириш учун кўп ишлар қилапти.

Музаффар МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодийет одимлари

«ЁНБОШ» ХОРАЗМГА КЕЛДИ

Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» жамоа ҳўжалиги далаларида унган ниҳолларни кўрган киши уни ҳечам бугдойга ўхшатмайди.

— Биз ҳаммамиз бир дона бугдой уруғидан битта ниҳол унганга кўнгиб қолганимиз, — дейди жамоа ҳўжалиги раҳбари Отаназар Абдурахимов.

Давр талаби асосида галлачиликни ривожлантириш, аҳоли дастурхонини тўқитиш этиш илмий «Бўзқалъа» ҳўжалиги раҳбарларини ушбу вақтда янгиликларни ўқиб олишга мажбур қилди.

Давр талаби асосида галлачиликни ривожлантириш, аҳоли дастурхонини тўқитиш этиш илмий «Бўзқалъа» ҳўжалиги раҳбарларини ушбу вақтда янгиликларни ўқиб олишга мажбур қилди.

машиниси хоразмлик деҳқонларнинг вақилларида айниқса катта кўнгиб қолганимиз, — дейди жамоа ҳўжалиги раҳбари Отаназар Абдурахимов.

Давр талаби асосида галлачиликни ривожлантириш, аҳоли дастурхонини тўқитиш этиш илмий «Бўзқалъа» ҳўжалиги раҳбарларини ушбу вақтда янгиликларни ўқиб олишга мажбур қилди.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати хабар қилади

ХАРИДОР ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛИШЛАР...

Қанча сазий ҳаракату жазоларга қарамадан савдо дўконлари сотувчилари томонидан харидор ҳақидан, халқ ризидан ўз чўнгаги учун чегириб қолши иллати барҳам топмапти.

Қорасув шаҳридаги савдо-хиссадорлик жамиятига қарашли 1-нон комбинатида тайерланган ва савдога чиқарилаётган нонлар махсус текширув тарозисида тортиб қўрилганда ҳар бир «буханка» нон ўзининг белгиланган вазнидан 60 граммдан кам чикди.

Риштондаги вилоят восита хиссадорлик жамиятига қарашли 20-дўкон текширилганда 483 сўм камомад ва 663 сўмлик хужжатсиз товар топилди.

караши 2-сонли озиқ-овқат дўқони мудири Муҳаррамхон Алимқулова жавобгарлигидаги товарлар текширилганда эса 2539 кило ун, 1086 кило гуруч кам чикди.

ҲАМДА СОЛИҚДАН ДАРОМАДНИ ЯШИРИШЛАР ҲУСУСИДА

Янгибозор туманидаги «Шухрат» кичик корхонаси раҳбарлари 35 минг сўм, Урганч шаҳар арок-вино заводи мутасаддилари 81349 сўм даромадни солиқдан яшириб қолган экан.

Қилмиш—қидирмиш

«ХАРИДОР» — МИЛИЦИЯ ХОДИМИ

Тошкент шаҳар ИИББ Юнусовд туман ички ишлар бошқармаси Жиноят қидирув бўлими тезкор вақиллари Жаҳоний темир йўли бекатида катта миқдордаги гиеҳванлик моддасини олиб келатган жиноятчини «қўтиб олдилар».

Поезд бир пинҳириб Тошкентга кириб келди. Қўзлари алаң-жалаң бўлган С. «юк»ни маҳкам кучоқлаганича, аввалга умрашув жойини қидирди.

шерикларини кута бошлади. Бирмунча вақт ўтган, озиқиб қутилган «харидор» келди. Аммо у келгунга қадар С. «юк»нинг жойини бир неча бор ўзгариштиришга тўғри келди.

Мирзақодир МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати ходими, милиция лейтенанти.



Пиру бадавлат отахонлар. Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Фарғона вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг Кўкон бўлими, Республика кўчмас мулк биржасининг Фарғона вилоят филиали Кўкон шаҳрида 1994 йил 15 октябрда ўтказадиган кўчмас мулклар ким ошди савдосида қатнашишга шонининг!

ЭЪПОН Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва корхонага ҳўжайинликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси навбатдаги ким ошди савдосини ўтказилишини хабар қилади. Ким ошди савдоси 29 октябрда Бекобод шаҳрида ўтказилади.





Муштарий илҳоми

ЯШАМОҚНИ БОҲАМАН СЕВИБ

ТАСОДИФ

Ҳаётнинг қонуни асли шунақа: Тасодиф бизлардан олдинда юрар. Баъзан қувонтириб, баъзан... Сиз мени яшириб қўясиз...

Ҳар кун илҳомни пойласам Жилмайиб ўтганинг етарди. Севгимни оламга жар солсам, Пичирлаб айтганинг етарди.

ЁДИНГИЗ...

Сиз мени асрайсиз, билмайин, Яшамоқни севиб бораман. Ғафлатдан асрайсиз бетиним, Кечалари ўйга толаман.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига

Мухаммад Тарагай — Улуғбек ибн Шохрух ибн Амир Темур Қўрагонийнинг илмий-ижодий ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини аниқроқ тасаввур эттиш учун бир қатор муҳим манбалар мавжуд.

Маълумки, "Ҳамса"нинг асосий гоҳаси шохни инсофга чақириш — унинг инсонпарвар бўлиши, халқ аҳволидан мунтазам огоҳ бўлиб туриши зарурлигини уқтиришидир.

Ки, андин едди "Зиж Кўрагоний". Қиёматга дегунча аҳаи айеми. Ёзарлар анинг аҳқомидин аҳқом.

КИ, ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК

Алишер Навоий асарларида — Улуғбек

Алишер Навоийнинг "Мажолисун нафос" ("Нафис мажлислар") ёки "Гўзал суҳбатлар" асарида ҳам Мирзо Улуғбекнинг (19-, 23-, 115-, 120-, 131-132-бетларда ҳикмат билан келтирилиб) ҳаёти ва ижодий фаолияти бошқа маданий арбоблар билан бўлган яқин алоқалари ҳақида ишончли маълумотлар берилган.

мадрасасининг мудarrisидур (120-бет) деб таърифлайди. Улуғбек Мирзо хусусида Алишер Навоий ихчам ва лўнда маълумот беради.

"Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қирсат била кўрзонни мажид едида эрди. Ҳайват ва риёзийни хўб билур эрди. Андоқким, зич битиди ва расад болғар ва

ҳар бир сўзи нафақат олтин, балки дуру гавҳарга тенгдир. Унинг ҳар бир сўзи бир китоб учун ҳамиртуруш бўлиб хизмат қилади еки уни сарлавҳага солиб, катта китоб битиш мумкин.

Ана шундай инсонпарвар, мўътабар ва дилбар кишини шайтоннинг сўзига кириб, ўгли Абдулатиф шайхид қилган. Шайтоннинг руҳи унинг ўзини ҳам қўрбон қилди. Шундай қилиб, "Утар дунё маслаҳати учун донишманд ва қари подшоҳ отасин ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шеруяга вафо қилғонича анга қилди (132-бет).

Ушбу ўринда ҳам Абдулатифнинг ноҳўя ҳаракатида Хўжа Аҳрори Валининг бирон-бир алоқаси борлиги ҳақида маълумот йўқ. Демак, ҳозирга қадар Хўжа Аҳрори Валини атайлаб ёмон хусусиятли шахсга айлантириб кўрсатиш кимларгадир керак бўлиб қолган бўлса керак. Агар бошқача бўлганда, тарихий манбаларда из қолган бўлар эди. Алишер Навоий Самарқандда таҳсил олган йилларда Улуғбек расадхонаси ўз салобатини сақлаб қолган эди. Чунки Улуғбекнинг фожиали ҳалок бўлганидан 20 йилча сўнг расадхонани томоша қилган Алишер Навоий уни тасдиқлайди. Бобокалониимизнинг қўйидаги бир байт шеърининг мазмунидан ҳам бунини тушуни ола сўз бўлади.

Расадкил боғлаши зеби жаҳондур, Жаҳон ичра яна бир осмондур. ("Ҳамса"). Кўриниб турганидек, расадхонанинг салобатли биноси ва унинг ичидаги текшириш тартиб-қоидалари Навоий диққатини ҳам тортган, уни мафтун этган. Мухтасар гапни айтганда, Улуғбек сиймоси ўзининг барча фазилатлари билан Алишер Навоий асарлари аро тиниқ ирмоқ янглиғ шарқираб ўтган. У шoir нуқтада гоҳ бевосита, гоҳ билвосита ифода қилган.

Назар РАҲАБОВ, Филология фанлари доктори.

ҲАЛИ 33 ТАСИГА ГАЗ БОРМАГАН

Сурхондареда муз-роботликлар ҳамма еқни газлаштириб юбордиқ, деб мақтанишни яхши кўришади. Аммо ҳисобни бўри егани йўқ. Эътибор қилинг, туманда 51 та умум таълим мактаби бор. 20.400 нафар ўқувчи ўқийди. Аммо бу мактабларнинг 33 тасига ҳали газ қувурлари етиб борагани йўқ.

Т. РАЗЗОҚ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Зарафшон воҳаси ўзининг такрорланмас табиати, манзаралари билан ажралиб туради. Лекин кейинги йилларда табиатнинг инфлосланиши, унинг бойликларидан ноўрин фойдаланиш натижасида бу гўзалликка жиддий путур етказилди. Уни тиклаш ва асраб-авайлаш учун нималар қилиш керак? Самарқанд давлат университети биология факультетининг экология кафедраси ва халқаро "Экосан" жамғармасининг Самарқанд бўлими ҳамкорлигида ўтказган конференция ана шу масалаларга бағишланди.

Унда республикамизнинг Тошкент, Гулистон, Жиззах, Тожикистоннинг Панжикент шаҳридаги олий ўқув юрталари олимлари ҳам иштирок этишди. Бу илмий-амалий анжуманда Зарафшон воҳаси табиатини асрашга онд ўндан зиёд маърузалар тингланди.

М. МУЗАФФАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

МАСЪУПИЯТИ ЧЕКЛАНГАН "ДУСТ-ИНВЕСТ-1" ЖАМИЯТИ Рига корхоналарида ишлаб чиқарилган ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган жуни, ярим жуни газламлиқни ТАКПИФ ҚИПАДИ

Сиз дидингизга ёққан картиналарни (ушбу лойиҳа муаллифи билан маслаҳатлашган ҳолда) сотиб олиб, рўйхатдан ўтказасиз. Ва уларга атиги бир ой эгалик қиласиз. Кейин биз ҳаммасини аввалги нарҳига нисбатан 1,5-2-4-6 баравар қимматига яна сотиб оламиз. Тўлов шакллари ҳар хил - бу борада муаммо йўқ.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Ташкилот Тошкентдаги омбордан қуйидаги товарларни пул ўтказиш йўли билан сотади: 1. PC/AT 386 DX, 40 Мсц, 4 Мв, 120 МВ, 5:35", 3,5", Монитор SVGA, Мыш, Epson FX-1000 принтери -- 72000 сум

ЖАНОБЛАР, ҚАРҲИНА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАРИ! Сиз маданият дурдоналарини сақлаб, авлоддан-авлодга элтувчиларсиз. Бу меҳнатингизга яраша дам олишингиз ва саломатлигингизни тиклашингиз ҳам керак. Биз Сизга денгиз соҳилида, Ялта шаҳридаги санаторийларда хордик чикаришингиз учун бепул йўланма тавсия этамиз.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

AL FAROSAT TECHNOLOGY INTERNATIONAL ўзбек - америка қўшма корхонаси MZ PACIFIC Inc., USA корпорацияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига Тошкентдаги омбордан НАЗОРАТ - КАССА АППАРАТЛАРИНИ (SHARP, ROYAL, SAMSUNG) ТАВСИЯ ЭТАДИ.